


Қуръони Карим дарслари (104-дарс). Муташобих сифатларга оид оятлардан намуналар



13:06 / 22.09.2020 5815

islom.uz · 062. ?????????? ?????????? ??? ?????????? ??????????(1)

(биринчи мақола)

Маълумки, «истиво» сўзи, хусусан Қуръони Каримда келган «истиво» лафзи ҳақида жуда кўп тортишувлар, тушунмовчиликлар мавжуд. Лекин диққат билан, атрофлича ўрганиб чиқилса, бу нарсани англаб олишнинг имкони бор. Хусусан, истиво тўғрисидаги гап-сўзлар, ёзув-чизувларнинг ҳаммаси Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг Аршга истиво қилиши ҳақидаги

масалага боғлиқ бўлади. Аллоҳ таолонинг Аршга истиво қилиши масаласи Қуръони Каримда, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларида келгандир.

Албатта, бу мавзунинг ҳақиқатини билиш учун аввало араб тилига муурожаат қилишимиз лозим.

Араб тилида истиво сўзи бир неча маъноларни англатади.

1. «Тугал бўлиш», «охирига етиш», «бенуқсон бўлиш».

Мисол учун, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Қосос сурасининг 14-оятида марҳамат қилиб айтади:

﴿۱۴﴾ الْمُحْسِنِينَ نَجْرِي وَكَذَلِكَ وَعَلِمَا حُكْمًا ءَانِنَهُ وَأَسْتَوِي أَشَدَّهُ، بَلِّغْ وَلَمَّا

«У вояга етганида ва камол топганида, унга ҳикмат ва илм бердик. Яхшилик қилувчиларни ана шундай мукофотлармиз».

Яъни ёшлиги бенуқсон бўлиб, охирига етиб, тугал бўлганда.

Яна Аллоҳ таоло Фатҳ сурасининг 29-оятида айтади:

الرِّزَاعَ يُعْجِبُ سُوقِيَهُ، عَلَيَّ فَاسْتَوِي فَاسْتَعْلَظَ فَتَازَرَهُ، سَطَّعَهُ، أَخْرَجَ كَرَّعَ

«Бу худди уруғини ёриб чиқиб, қувватланиб, йўғонлашиб, поясида тик туриб, деҳқонларни ажаблантирган бир экинга ўхшар».

Яъни ўсимлик тик турди – кучланди, ўзининг юқори нуқтасига етди, батамом бўлди.

2. «Эътидол» - «тўғриланиш».

Уламолар бу борада Бану Тамим қабиласининг бу маънода айтган бир жумласини мисол қиладилар:

«أَهُمْ وُلُظْمَةٌ لِيَبْقُوا لِمَلِأَطَى وَتُسَا».

«Қабиланинг золими ва мазлуми (истиво қилдилар) тўғриландилар», яъни эътидол – мўътадиллик йўлига кирдилар, ўртача бўлдилар».

3. «Бир нарсани қасд қилиш», «бир нарсага юзланиш».

Бу маъно Бақара сурасининг 29-оятида ўз ифодасини топган:

﴿٢٩﴾ عَلِيمٌ شَيْءٌ بِكُلِّ وَهُوَ سَمَوَاتٍ سَمِعَ فَسَوَّاهُنَّ السَّمَاءَ إِلَىٰ أَسْتَوَىٰ ثُمَّ جَمِيعًا الْأَرْضِ فِي مَا لَكُمْ خَلْقَ الَّذِي هُوَ

«У ер юзидаги барча нарсани сизлар учун яратган, сўнгра осмонга юзланиб, уларни етти осмон қилиб тўғрилаган Зотдир. Ва У ҳар бир нарсани ўта билувчидир».

4. «Истийло» - «бир нарсани эгаллаб олиш».

Бунга уламолар араб шоирларининг шеърдан бир байтни мисол қилиб келтиришади. Бу байтда шундай дейилади:

مُهْمَيَّحٍ حَابًا أَمْ وَقَىٰ زَغَامٍ إِذَا

«Қачонки бир қавмга ғазот қилса, аёлларини мубоҳ билади ва улар аларга мулк бўлган нарсани эгаллаб оладилар».

Бу ерда «истиво» сўзи «истийло», яъни «эгаллаб олиш» деган маънони ифодаламоқда.

5. «Истиқрор» - «қарор топиш», «жойлашиш».

Муъминун сурасининг 28-оятида келган «истиво» лафзи мана шу маънони англатган:

﴿٢٨﴾ الظَّالِمِينَ الْقَوْمِ مِنَ بَنَاتِ الَّذِي لِلَّهِ الْحُدُ فَفَلِ الْفُلْكِ عَلَىٰ مَعَاكَ وَمَنْ أَنْتَ أَسْتَوَيْتَ فَإِذَا

«Бас, сен ўзинг билан бирга бўлганлар ила кемага жойлашиб олгач: «Бизни золим қавмлардан қутқарган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин», дегин».

Яъни «жойлашиб олиш» - «истиқрор топиш» деганидир.

Зухруф сурасининг 13-14-оятларида ҳам худди шу маънода келган:

﴿١٤﴾ الْمُنْقَلِبُونَ رَبَّنَا إِلَىٰ وَإِنَّا ﴿١٣﴾ مُقَرَّبِينَ لَهُ، كُنَّا وَمَا هَذَا لَنَا سَحَرَ الَّذِي سُبِحْنَا وَنَقُولُ عَلَيْهِ أَسْتَوِيْمُ إِذَا رَبِّكُمْ نِعْمَةً تَذَكَّرُوا ثُمَّ ظُهُورِهِ عَلَىٰ لِسْتَوُوا

«Токи сиз уларнинг устига ўрнашгайсизлар, сўнгра, уларнинг устига ўрнашиб олгач, Роббингизнинг неъматини эслаб, дейсиз: «Бизга буни хизматкор қилиб қўйган Зот покдир. Бунга қодир эмас эдик. Ва албатта, биз Роббимизга қайтувчилардирмиз».

Яъни бунда маркабнинг устига ўрнашиш - истиқрор топиш маъноси бор.

6. «Истиво» лафзининг араб тилидаги маъноларининг олтинчиси - «боғланиш», «тўлиш», «бир-бирига ўхшаш» маъноларидир.

Бу маънолар Саълаб қабиласи адабиётидан олинган бўлиб, уларда бу сўз «иставал-важҳу» шаклида келган. «Важҳ истиво қилди», яъни «иттасала» - «боғланди» деган маънода қўлланган экан.

Яна бу сўз тўлин ойга нисбатан «иставал-қамару», яъни «ой тўлишди» деган маънода ҳам ишлатилар экан.

Шунингдек, «Истава фуланун ва фуланун», дейилса, «Фалончи билан фалончи бир-бирларига ўхшашди» деган маънони англатар экан.

(Давоми бор)

«Қуръон илмлари» китобидан